

**“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти
юқори бошқарув органининг 32-сонли қарори**

Тошкент шаҳри

2018 йил “11” 10

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 58-моддасида барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган жамиятда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмаслиги вамазкур Қонун ҳамда жамиятнинг устави билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан яқка тартибда қабул қилиниши, ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилиши белгиланган.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг ягона акциядори Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази (кейинги матнда ДАБМ) ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасидага мувофиқ “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг юқори бошқарув органининг ваколатига кирадиган қуйидаги масалалар бўйича қарор ягона акциядор томонидан қабул қилинади.

1. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раиси ўринбосарини эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш тўғрисида.

2. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раиси ўринбосарини тайинлаш тўғрисида.

3. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тафтиш комиссияси таркибини тасдиқлаш тўғрисида.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 8 август 2018 йилдаги 636-сонли қарорига мувофиқ жамият бошқарув раисининг ўринбосари Эркин Шухратович Кадиров лавозимидан озод қилиш маълумот учун қабул қилинсин, Ягона акциядор **қарор қабул қилади:**

- Э.Ш. Кадиров “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқарув расининг ўринбосари лавозимидан озод қилиш.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 21 сентябрдаги 751-сонли қарорига мувофиқ жамият бошқарув раисининг ўринбосари этиб Уткир Назирович Турсункуловни тасдиқлаш маълумот учун қабул қилинсин, Ягона акциядор **қарор қабул қилади:**

- Бошқарув аъзолигига тайинланган “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқарув раисининг ўринбосари У.Н.Турсункулов билан белгиланган тартибда меҳнат шартномаси тузилсин.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонуни 63-моддасига асосан тафтиш комиссияси таркибидаги